# ТАДБИРКОРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ — СТРАТЕГИК ВАЗИФА

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А.ПОЛВОН-ЗОДАнинг вазирлик кенгайтирилган ҳайъати йиғилишидаги МАЪРУЗАСИ***

**(Боши 1-бетда)**

бўйича фактлар ўз тасдиғини топди ва тезкор чора кўрилди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси "Ишонч телефони"га Навоий туман "Мустақиллик" фермер хўжалиги раҳбари қўнғироқ қилиб, Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А.Ўроқовнинг фермер хўжалиги ерларига сув етказиб берувчи сув иншоотини атайлаб ишдан чиқарганлигини баён қилган. Масала тезкор ўрганилиб, 3 кун муддатда ижобий ҳал қилинди.

Наманган вилояти "Қорабоев Улуғбек" фермер хўжалиги раҳбари "Олтин водий" хўжалиги бошқаруви раиси томонидан ерини ноқонуний олиб қўйилганлиги ҳақида хабар берган. Адлия идорасининг тезкор аралашуви натижасида фермер хўжалигининг ерга бўлган ҳуқуқлари тикланди.

Билиб қўйинг, аризалар тадбиркорлар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатларини аниқлашда ва ваколатларимиз доирасида зарур чораларни кўришда асосий манба ҳисобланади. Бу ишда адлия ходимлари сифатли ва тезкор ҳаракат қилиб, ҳуқуқий ҳимояни таъминлашлари зарур.

Биз бугун тадбиркорни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига фавқулодда ҳодиса сифатида қараяпмиз. Баъзи ишлар, фуқаролик-ҳуқуқий низолар ва маъмурий хатти-ҳаракатлардан иборатлигига қарамасдан, жиноят иши сифатида судларга оширилган фактлар учрайди.

Бундай амалиёт тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хавфли экан, деган фикрга олиб келиши мумкин. Бу масала юзасидан Адлия вазирлигининг ҳайъат йиғилишида ва Олий Суд Пленумида жиддий гаплашиб олдик ва амалий ишга киришдик.

Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туман солиқ инспекторлари "Бирлик" фермер хўжалигини текшириб, касса аппарати йўқ, деган баҳонада ноқонуний маъмурий иш қўзғатган. Ваҳоланки, фермер ўзи етиштирган маҳсулотини деҳқон бозорида сотганда касса аппаратини ишлатиши шарт эмас. Суд фермерни айби йўқлиги сабабли оқлади ва солиқ инспекторларидан фермер фойдасига 113 минг сўм моддий ва маънавий зарарни ундириб берди. Солиқчилар эса... бу ерда қайта текшириш ўтказиб, фермерни, етиштирган гўшт маҳсулоти учун 25 сўм ортиқча ҳақ олган деб, ака-ука Отажоновларга нисбатан жиноят иши қўзғатишган. Туман прокурори бу ишга қонуний баҳо бериб, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни бекор қилган. Бироқ солиқчилар фермерни таъқиб қилишда давом этган. Адлия идораларининг огоҳлантиришига қарамасдан, иккинчи марта яна шу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатган. Бу иш ҳам прокуратура томонидан бекор қилинган. Орада тадбиркор ярим йил сарсон бўлган. Биз бу масалага қатъий ёндашиб, нафақат моддий ва маънавий зарарни ундириш, балки қонунбузарларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини қўйдик.

Навоий вилояти Хатирчи туманлик фермер О.Пўлатов шартнома мажбуриятини бажариб, ўзига тегишли 96 кг. буғдойни олиб қолганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бу иш қайта кўриб чиқилиб, фермер жиноий жавобгарликдан озод қилиниши таъминланди. Бундай мисоллардан яна бир қанча келтириш мумкин.

Қисқа давр ичида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишларни қайта ўрганишимиз натижасида 221 та шахс оқланди ва реабилизация қилинди, 68 та шахсга нисбатан белгиланган жазо енгиллаштирилди, 31 нафар тадбиркорга нисбатан қўлланилган маъмурий ва молиявий жавобгарлик ноқонуний деб топилди. Тадбирларимиз натижасида тадбиркорларни жавобгарликка тортиш ҳоллари кескин камайиши таъминланди.Ўтган йилга нисбатан судланган тадбиркорларнинг сони икки баробарга, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар сони 6 баробарга камайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тадбиркорларга нисбатан жиноят иши қўзғатишда объективлик принципини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Ҳатто илгари рўй бермаган ҳолат биринчи инстанция судларда 13 та тадбиркорга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган. Биз бу борада судьялардан янада қатъиятли бўлишни талаб қиламиз. Зеро, қонун талаби ҳам шундай.

Талабимиз, алоҳида топшириқларимиз айнан шу масалага қаратилса-да, жойларда айрим судлар ушбу муҳим масалага баъзида масъулиятсизлик билан қарашмоқда. Бу борада Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Наманган, Хоразм вилоят судларининг эътибори ўзгариши керак.

Бир мисол, "Насим" фермер хўжалиги Сурхондарё вилоят Бизнес фондидан 436 минг сўм кредит олган. Фермер 10 гектар ерга пахта экиб, ҳосилни Б.Омонов жамоа хўжалигига топширган, аммо хўжалик ўз вақтида пул тушириб бермаган, кредит суммасининг бир қисми тегишли ташкилотларга озуқа ҳамда товар олиш учун ўтказилганлиги боис кредитни ўз вақтида қайтаролмаган. Ўзлаштириш факти бўлмаган. Аммо суд жиноят ишини қўшимча терговга қайтарган.

Вилоят суди ишни ўрганиб, ажримни бекор қилиш, иш юзасидан айблов ёки оқлаш ҳукми чиқариш ҳақида кўрсатма бериш ўрнига, терговга қайтариш ҳақидаги ажримни асосли деб хулоса берган.

Биз яна бир марта судларни, қарорлар қабул қилишда қатъийлик ва принципиалликка даъват этамиз, уларга юклатилган маъсулиятнинг нақадар муҳимлигини эслатиб ўтамиз.

Хўжалик ва солиқ масалалари бўйича тадбиркорлар жиноий жавобгарликка тортилаётган ишлар ўта мураккаб бўлиб, улар ҳар томонлама ва чуқур ўрганишни талаб қилади. Жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги тезислар ҳар доим ҳам тўғри келавермайди. Суд олдида зўравон, босқинчи ёки бошқа бир жиноий элемент эмас, балки солиқ тўловчи тадбиркор туради. Балки у хатога йўл қўйгандир? Балки йўл қўйган хатосини тушунтириб, бу камчиликни қайтармаслик ҳақида огоҳлантириш билан чегараланса ҳам бўлар? Солиқ идоралари ҳам, биз ҳам, мақсадимиз ўз вақтида солиқ тушумларини ундириш бўлиб, тадбиркорларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларининг сонини кўпайтириш орқасидан қувиш эмаслигини англашимиз керак. Муҳими, тадбиркорлар оёққа туриб олишига ва йўл қўйилган хатоларини тузатишига ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда тадбиркорлик субъектлари сони 18 мингтага ошганлиги ва натижада 106 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилганлигини мамнуният билан таъкидладилар. Бунинг моҳиятини ҳар биримиз тўла англаб етишимиз шарт.

Мавжуд имтиёзлар, яратилаётган шарт-шароитлар натижасида фермер хўжаликлари фаолиятида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Мамлакатда юзлаб ривожланган фермер хўжаликлари пайдо бўлди.

Лекин таҳлилларимиз бу соҳада ҳали кўплаб камчиликлар мавжудлигини, фермер хўжаликларига ер ажратиб беришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмаслик, фермерларга ер ажратиб бериш тўғрисидаги қарорларни ўз вақтида ижро этмаслик, ер участкаларини қонунда белгиланган 10 йилдан кам муддатга бериш фактлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Улар ерини ноқонуний, ижара шартномасини бир томонлама бекор қилиб, тортиб олиш ҳоллари учраяпти. Биз албатта, бундай фактларга дуч келинганда уларга барҳам бериш, фермер ҳуқуқини тиклаш чораларини кўраяпмиз. Бир мисол, Хоразм вилояти Хазорасп тумани Хива жамоа хўжалигининг раиси Матниязов Абдушарипов деган фермердан ер участкаси ажратиб бериш эвазига 1000 АҚШ доллари миқдорида пора сўраган. Жиноятчи қилмиши устида қўлга олиниб, қонун олдида жавоб бераяпти.

Фермерларга ер бериш билан боғлиқ амалиётни, уни бир ой муддатда чуқур ўрганиб чиқишимиз лозим. Ушбу вазифани мутасадди идоралар билан ҳамкорликда амалга оширишга киришишингиз талаб қилинади. Умуман, фермерлик ҳаракати билан боғлиқ ишларга алоҳида эътибор қаратиш адлия идораларининг энг асосий вазифаларидан бири эканлигини ёддан чиқарманг.

Олий хўжалик судининг маълумотига кўра, ярим йилда фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб 168 та даъво аризалари кўриб чиқилган. Бу ишлар асосан дебиторлик қарзларини ундириш ҳақида. Аммо бизнингча, бу рақамлар ҳақиқий ҳолатни акс эттирмайди. Аксари ҳолларда фермерлар турли сабабларга кўра судга мурожаат этмайди. Баъзан тайёрловчи ташкилотлар билан муносабатларини бузишни хоҳламайди ёки вилоят хўжалик судлари қишлоқ ва туманлардан узоқлиги, фермерлар ўз ҳуқуқларини тўла билмаслиги кабилар сабаб бўлади. Биз ишни шундай ташкил қилишимиз керакки, фермер хўжалиги билан тузилган шартнома мажбуриятини бажармаган ҳар бир ҳолат бўйича биронта мансабдор шахс жавобгарликсиз қолмаслиги керак.

Фермер хўжаликларини тайёрловчи корхоналар тазйиқидан ҳимоя қилиш, тузилаётган шартномаларни ижро этилмаслигининг олдини олиш бўйича аниқ ва таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш керак.

Бугун ҳар биримиздан қисқа муддат ичида контрагентлар томонидан шартнома мажбуриятлари бузилганда, фермер ва ижарачининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб қилинади.

Энг асосийси — фермер ва деҳқон хўжаликларига, шартномаларни ижро этмаслик ёки лозим даражада бажармаганлик, олинган маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўламаслик, хом-ашё ресурслари билан таъминламаслик натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналардан ундириб берилишини таъминлашдир.

Хўжалик низолари билан боғлиқ ишлар бўйича ҳамда тадбиркорларга етказилган моддий зарар билан биргаликда маънавий зарар масаласи бирлаштирилган ҳолда умумий судларда кўрилиши қонун талаби эканлигини яна бир бор таъкидлайман. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва оила пудратчиларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бевосита туман судлари орқали адлия идораларининг даъво аризасига асосан кўриб чиқилади. Ушбу муаммонинг ҳуқуқий томонларини Олий суд ва Олий хўжалик суди раҳбарлари билан батафсил муҳокама қилдик ва яхлит фикрга келдик.

Бундан ташқари маънавий зарар фақат айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан ундирилиши керак, акс ҳолда, зарарни давлат идоралари ёки жамоа маблағидан ундириш, олиб борилаётган ишимизнинг моҳияти ва мазмунига тўғри келмайди.

Давлатимиз раҳбари ҳам ушбу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб, **"бизнингислоҳотлар йўлидан, халқимизга муносиб ва фаровон ҳаёт яратиш йўлидан олға юришимиз кўп жиҳатдан мана шу соҳада амалга ошираётган ишларимизнинг қанчалик юқори суратда ривож топишига узвий боғлиқ. Барчамиз шу оддий ҳақиқатни яхшилаб тушуниб олишимиз шарт"** деб уқтириб ўтдилар.

Хўжалик шартномаларини тузиш ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан фаолиятимизни давом эттираяпмиз. Бу ишга 1200 дан ортиқ ходимимиз ҳамда шартнома асосида 900 га яқин адвокат ва ҳуқуқшунослар жалб этилган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ходимларимиз 5691 та корхонада, жумладан, 2400та қишлоқ хўжалик корхонасида шартномавий муносабатлар аҳволини ўрганди. 231 мингта шартномадан 24,5 млрд. сўмлик 36 мингтага яқини нотўғри ёки қонунга хилоф тузилганлиги аниқланди, уларнинг аксарияти қайта туздирилди.

Бунда ички хўжалик шартномаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ходимларимиз 108,7 млрд. сўмлик 271 мингта ички хўжалик шартномалари, шу жумладан, 76,7 млрд. сўмлик 183 мингта пудрат ва 32,1 млрд. сўмлик 88 мингта ижара шартномасини ўрганишди.

Ходимларимиз ёрдамида контрагентларга ижро этилмаган шартномалар бўйича 5 млрд. сўмлик 1880 тага яқин талабнома, хўжалик судларига эса 2,4 млрд. сўмлик 549 та даъво аризалари киритилди, хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига 2,6 млрд. сўм маблағ реал ундириб берилди.

Шартномаларга оид қонун талабларини бузган шахсларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўраяпмиз. Бу борадаги тақдимномаларимиз асосида 9 та шахс жиноий, 85 таси маъмурий, 138 таси интизомий жавобгарликка тортилган, жумладан, 14 та мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган. 99 та айбдор шахсдан шартнома интизоми бузилганлиги учун етказилган моддий зарар ундирилган. Лекин тан олиш лозимки, шартномавий муносабатлардаги аҳвол талаб даражасида ўзгарган эмас.

Шартномавий муносабатлар бўйича ҳуқуқий ёрдам бериш учун хўжалик юритувчи субъектларга бириктирилган баъзи ходимларимиз жойларга чиқиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ўрнига корхоналардан ҳисобот талаб қилиб ўтириш ҳоллари мавжуд. Масалан, худди шундай ҳаркатлари учун Тошкент шаҳар адлия идораларининг 10 та ходими тегишли интизомий жавобгарликка тортилди. Хўш, бундай камчиликлар бошқа адлия идораларида йўқ дейсизми?

Шартнома интизоми бузилишида айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласига юзаки қаралмоқда.

Қашқадарё вилоятида 13,5 млн. сўмлик нотўғри ва 4,8 млн. сўмлик муддатида бажарилмаган шартномалар аниқланган бўлса-да, биронта айбдор мансабдор шахс жавобгарликка тортилмаган. Хоразм вилоятида 2,4 млрд. сўмлик муддатида бажарилмаган шартномалар мавжуд бўлса-да, биронта шахсга нисбатан жавобгарлик масаласи кўтарилмаган. Ваҳоланки, бу ташкилотларга ходимларимиз бириктирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, Жиззах, Навоий, Тошкент ва Хоразм вилоят адлия бошқармаларининг фермер, деҳқон хўжаликлари фойдасига шартнома мажбуриятларини бажармаётган тайёрлов корхоналарига нисбатан даъво аризалари билан мурожаат этишдаги ўрни сезилмаяпти. Баъзиларида бирорта ҳам даъво аризаси судга киритилмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Яна бир марта таъкидлайман. Бу борадаги топшириқлар бўйича талаб қаттиқ бўлади. Шартномавий муносабатларни яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги 177-сонли қарорига мувофиқ жойлардаги туман (шаҳар) ҳокимликларида юрист лавозимини жорий этиш вазифаси юклатилган эди.

Лекин республика бўйича 93 та туман (шаҳар) ҳокимликларида бу штатлар жорий этилмаган. Қашқадарё вилоятидаги туман (шаҳар) ҳокимликларининг биронтасида ҳам юрист лавозими мавжуд эмас. Хоразм вилоятида ҳам худди шундай аҳвол. Хўш, шундай экан, деб томошабин бўлиб тураверамизми?

Алоҳида эътибор талаб қиламан, шартномавий муносабатлардаги фаолиятимизнинг асосий йўналиши фермер хўжаликлари томонидан тузилган шартномалар ҳамда ширкат хўжаликларидаги ички хўжалик шартномаларини тузиш ва уларни ижросини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Умуман, бугунги кунда ички шартномалар тузилишидан тортиб, ижроси таъминланишига қадар бўлган жараёндан тортиб, қонунийлик маълумот бўлиши устида яна бир бор биргаликда бош қотирайлик. Қандай қилсак бу ишда тартиб бўлади? Талаб тегишли даражада таъминланади?

Шунинг учун тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича жойларга текширишларга чиқилганда, фермерлар, деҳқонлар ва ижарачилар билан тузилган шартномаларга асосий эътибор беринг, уларни тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар тазйиқидан ҳимоя қилиш керак.

Бунда табиийки, хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркор ва фермерларнинг ҳуқуқий билими, онги, маданиятини ўстириб бориш муҳимдир.

Биз тушунамиз, фақат адлия идоралари кучи билан бу масъулиятли вазифани эплаш қийин. Чунки ички хўжалик шартномалари миллионлаб тузилмоқда. Бу ишга мутасадди идораларни жалб қилишга эришмоқ керак. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг қуйи бўлимларини, маҳсулот тайёрлаш ва сифати бўйича давлат инспекциясини, Молия вазирлиги тузилмаларини, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасини, туман ҳокимликлари ва бошқа мутасаддиларнинг кўмаги керак.

Адлия вазирлиги томонидан шартномалар мониторингини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилаяпти. Лекин уни амалда тўғри жорий қилиш, ҳақиқий мониторингни таъминлаш Сизларнинг ишни қанчалик тўғри ташкил қилишингизга боғлиқ. Тушунамиз, жойларда штатлар кам, туман тизимларимиз мавжуд эмас. Буни юқори малака ва масъулият билангина тўлдириш мумкин.

Тўғри, ҳақиқатан ҳам жойларда юристлар, айниқса, хўжалик ҳуқуқи бўйича иқтисодий қонунчиликни тушунадиган юристлар етишмайди. Бу масала ечими устида доимий изланиш бўлиши керак.

Балки, туманларда, бир йўла бир нечта ширкат ва фермер хўжаликларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган юридик марказлар ташкил қилиш самара берар?

Қани, биргаликда фикрлашайлик, бундай юридик марказларни туман ҳокимликлари кўмагида ширкат ва фермер хўжаликларининг ўзлари томонидан таъсис этиш ёки уларни шу соҳага мутасадди идоралар қошида ташкил этиш мумкиндир?

Адвокатларимиз ҳам ўз фаолиятларини жонлантиришса, тадбиркорлар, фермерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларга шартномавий муносабатларда малакали ёрдам беришни йўлга қўйишса, ишимизга салмоқли ҳисса қўшган бўлишарди, деб ўйлайман.

Таҳлилларимиз кўрсатишича, жойларда бу масала бўйича ягона амалиёт йўқлигига ишонч ҳосил қилдик. Амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда ҳокимликлар ва маҳаллий давлат идораларида сансоларлик ва расмиятчиликлардан қутула олинмаяпти. Тадбиркорнинг аризасини муддатида кўриб чиқмаслик, рўйхатга олишда асоссиз, назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилиниши ҳолатлари учраяпти.

Масалан, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни давлат рўйхатига олишда Бухоро вилояти Ф. Хўжаев тумани ҳокимлиги қўшимча ҳужжатлар, яъни санитария хизмати рухсатномаси, паспорт, яшаш жойидан маълумотнома, лицензия, "Ҳунарманд" уюшмаси баённомасидан кўчирма, бино ва ер участкасини рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ижара шартномаси, хизматлар учун йиғимни тўлаганлик квитанцияси ва бошқаларни талаб қилиш тартибини ўрнатишди. Бу каби ҳолатлар Қорақалпоғистон, Андижон, Хоразм ва бошқа вилоятларда ҳам аниқланган.

Хўш, тадбиркор иш бошлаш учун қанча идорага бориши, қанча вақт ва маблағ харажат қилиши керак? Қанча амалдорнинг инжиқлигига дуч келиши, чидаши керак? Бу машаққат-ку. Аслида ҳокимликлар тадбиркорлар сони кўпайишидан манфаатдор бўлиши керак эмасми? Президентимиз ҳокимларни тадбиркорларга оталик қилишга чақирганларида шуни назарда тутмадиларми? Буни тушунмайдиган, ислоҳотларга путур етказадиганларни қаттиқ жавобгарлик кутишини билиб қўйишсин! Тадбиркорларни рўйхатга олиш жараёнини янада соддалаштириш, уларни солиқ ва статистика ҳамда бошқа идораларда автоматик тарзда ҳисобга қўйилишини ҳал этиш вақти етди.

Навоий, Андижон ва Бухоро вилоятларининг аксарият туман ва шаҳар ҳокимликлари тадбиркор ва фермерлар маблағини улар розилигисиз, турли тадбирлар ўтказиш, маъмурий бинолар қуриш учун жалб қилиш ҳолатлари аниқланди.

Навоий вилоят ҳокимининг 2000 йил 15 февралдаги спорт билан боғлиқ тадбирларни қўллаб-қувватлаш учун 135 млн. сўм ўтказиш тўғрисидаги қарори, 2000 йил 27 мартдаги "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталарини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун маблағ ўтказиш тўғрисидаги қарори ва шунга ўхшаш ўнлаб қарорлари қабул қилинган ва тадбиркорлар пули чегирилиб, тортиб олинган. Бундай ҳаракатларга чек қўйиш, сизу бизнинг вазифамиздир.

Фермер хўжаликларига ер участкасини ижарага бериш шартномаси давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланиши қонуний белгиланган ҳолда, жойларда бу тартиб йўлга қўйилмаганлиги маълум бўлаяпти.

Қонунга мувофиқ ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафлар келишувига ёки суд қарори билан бекор қилиниши мумкин. Аммо бу тартиб бузилаяпти. Масалан, Жондор туманида қонунга зид равишда 55 та фермер хўжалиги билан ер участкаларини ижарага олиш шартномаси, Ер участкалари ажратиш комиссияси баённомасига асосан бир томонлама бекор қилинган.

Қани бу ерда адлия идораларининг роли? Нега уйқудасиз? Мана, 55 та судга бериладиган даъво аризаси учун факт ечимини кутиб турибди-ку!

Вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликларининг хусусий мулк эгалари ва тадбиркор ҳуқуқи ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи, қонун нормаларига зид келувчи қарорлари қабул қилинмоқда. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январ Фармони билан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувлар чекланган. Қаранг, Наманган вилояти Поп тумани ҳокими акциядорлар жамияти фаолиятига аралашиб, жамият бошқаруви раисини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилган. Навоий вилоят ҳокими ўз қарори билан очиқ акциядорлик жамияти директори Ш. Рамазоновга хайфсан эълон қилган.

Бухоро вилояти Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари мазкур Фармонни бузган ҳолда "Агрохизмат" фирмаси хусусий мулк шаклида бўлганлиги боис у билан шартномавий муносабатларга киришмасликни тавсия қилган.

Банк идораларида тадбиркорлик субъектларига кредит беришда сансоларлик ҳолатлари, масалан, Андижон вилояти "Тадбиркорбанк"и томонидан "Чинор" фермер хўжалигига кредит бериш тартиби бузилганлиги кабилар Андижон вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида хусусий корхоналарга қонунчиликда мавжуд солиқ имтиёзларининг берилмаслик ҳолатлари аниқланаяпти.

Умуман, текширишлар сонининг жуда кўплиги, тадбиркорлар эркин фаолият кўрсатишига халақит беришига гувоҳ бўлдик. Қорақалпоғистон, Бухоро ва Навоий вилоятларида мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳудудий комиссияларининг рухсати билан ўтказилган текширишлар сони 1999 йилда вилоятдаги мавжуд корхоналар сонидан 5-6, ҳатто 10 баравар ошиқлигини қандай тушуниш мумкин?

Хоразм вилоятида Кенгаш рухсатисиз ва қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлмасдан туриб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан 1999 йилда 101 та, 2000 йилда 22 та тадбиркорлар фаолияти текширилган. Андижон вилоятида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари эса 5 та хусусий фирмада ана шундай текширишлар ўтказган.

Навоий ва Бухоро вилоятларида ана шу идораларнинг топшириғига кўра аудиторлар тадбиркорлар фаолиятини тафтиш қилган. Бироқ қонунга зид равишда аудиторларнинг хизмат ҳақи тадбиркорлар ҳисобидан қопланган.

Солиқни ўз вақтида тўлаётган ва аудиторларнинг ҳар йилги хулосаларига эга корхонасида фақат 2 йилда бир марта назоратчи идоралар томонидан текширилиши мумкинлигини таъминлашимиз керак. Бу ҳақда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 39-моддаси талабларига барча жойда қатъий риоя этилиши шарт.

Вилоятларда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг моддий-техник ва хомашё заҳираларидан фойдаланиш турли хилдаги чеклашлар билан мураккаблаштирилган, баъзи ташкилотлар томонидан бу ишда сунъий тўсиқлар пайдо қилинган.

Бухоро вилоятида деҳқон ва фермер хўжаликлари билан "Кимётаъминот" бошқармасининг шартномасига асосан 13,5 тонна минерал ўғит ажратилиши керак бўлган. Бироқ 1999 йил августидан 2000 йил майигача 3,3 тонна ўғит олишган. Қолгани қани?

Товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар Палаталари ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг тадбиркорлар фаолияти мониторинги ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тадбирлари етарли даражада деб бўлмайди. Адлия бошқармаларининг улар билан ҳамкорлиги етишмаяпти. Биз бу масалада тақдимномаларимизни бердик, аниқ талаблар қўйилди, ўйлаймизки, ишларимизда ижобий ўзгариш бўлади.

Бизни бир савол доим қийнайди. Нега жойлардаги адлия идоралари маҳаллий ҳокимият органларининг қонунга зид қарорларига чидаб келаяптилар? Ёки муносабатлар бузилишини хоҳламайдиларми? Қонун шахсий муносабатларга қараганда тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқорилигини қачон англаймиз?

Навоий шаҳар ҳокими ўз фармойиши билан тижорат банкларига шаҳардан ташқарида жойлашган мижозлар ҳисоб рақамларини ёпиш тўғрисида кўрсатма берган. Бу ҳолат тадбиркорларнинг мустақил равишда банкларни танлаш эркинлигини чегаралаган. Вилоят адлия бошқармаси гўё бу ҳолни "кўрмай қолган" эмиш?

Умуман, бу борада Адлия вазирининг "Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"-ги қонун ижроси ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича буйруқларнинг аниқ ва сифатли бажарилиши қаттиқ талаб қилинади ва у ниҳоятда кучли бўлади. Бугун ҳар бир ходимнинг жойи аниқ бўлиши лозим. Зеро, у ўз функционал мажбуриятларини яна бир бор кўриб чиқсин ва нима билан шуғулланишини, ундан нима талаб қилинишини аниқ билсин!

Ҳар бир раҳбар ўз жамоасида қаттиқ интизом, масъулият, юқори малака ва қизғин иш муҳитини яратиши шарт.

Ушбу талабларга жавоб берадиган, ўз бурчини ҳалол бажарадиган ходимларни ҳар доим ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш керак.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитишга бўлган муносабатни ўзгартиришимиз керак. Биз ҳар доим юқори малакали кадрлар танқислигига зарурат сезамиз. Аҳволни ўзгартиришнинг ягона йўли — ҳар доим ўз билимини ошириш устида доимо изланадиган қобилиятли ходимларни танлашдир.

Биз барча кучимизни, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан олдимизга қўйилган талабдан келиб чиқиб, жамиятда хусусий мулкка ҳурмат, унинг мутлоқ ва дахлсизлиги, тадбиркор ҳуқуқини бузганлик учун жазо муқаррарлиги муҳитини яратишга қаратишимиз, бундай фактларни оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик эътиборига етказишимиз керак.

Шу билан бир қаторда тадбиркорлар ҳам Президентимиз талабларидан келиб чиқиб, яратилаётган имтиёзларга жавобан мард бўлиб, қонунларни ҳурмат қилиб, давлат ва жамиятимиз олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари керак. Қонунларимизни менсимайдиган, давлат солиқларини ўз вақтида тўламайдиган тадбиркорнинг иши юришмайди.

Тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаш борасидаги ишларни янада кучайтиришимиз, мавжуд муаммоларни ҳал этишга ғайрат билан киришишимиз, мутасадди идоралар билан ҳаракатларимизни мувофиқлаштиришимиз лозим. Тадбиркорларнинг фаолиятига ҳурмат муҳитини яратиб, уларни қўллаб-қувватлашимиз зарурдир.

Биз ўтган ярим йилда Қорақалпоғистонда, Андижон, Бухоро, Навоий, Хоразм ва Наманган вилоятларида юқоридаги аҳволни ўрганиб, вазиятни чуқур таҳлил қилдик. Қонунга хилоф ишлар ва камчиликларни бартараф этиш учун Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши, тегишли ҳокимиятларга ўз тавсиямиз, йўл-йўриғимизни тақдим этдик. Улар муҳокама қилишди, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилди. Айбдорлар жазосиз қолдирилмади. Ишланган чора-тадбирлар ижроси кетидан қаттиқ назорат олиб боряпмиз. Жорий йил охиригача қолган 7 та вилоятда ҳам вазиятни ўрганишни режалаштирганмиз ва амалга ошира бошладик. Бу ишни келгусида ҳам давом эттирамиз, аҳволни қайта-қайта ўрганамиз, камчиликлар такрорланса, вазият ижобий тарафга ўзгармаса, унинг ҳам тагига етамиз.

Мақсадимиз — давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган асосий стратегик вазифа — мулкдорлар синфини яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунларнинг сўзсиз бажарилишини биргаликда таъминлашдан иборатдир.

